# ШАРТНОМА № ЕТ/003

( Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш хакида )

Ўштепа тумани «16» Май 2022 йил

Қўштепа туман ободонлаштириш бошкармаси бошлиги **М.Рўзибоев** бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан MASTER NEW RESOLUTE PURE МЧЖ (кейинги ўринларда "берувчи" деб аталади) номидан рахбар **М.Ахмаджонов** (хўжалик юритувчи субъект, ФИШ) низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса кабул килиб олинган махсулот еки овар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

| № | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Электр узатиш жихозлари | комплект | 1 | 1060175150 | 1060175150 |
| | **Жами:** | | | | **1060175150** |

Товарларнинг шартномавий умумий бахоси: 1060175150 (Бир миллиард олтмиш миллион бир юз етмиш беш минг бир юз эллик) сўм.

## III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, махсулот (кўрсатилган хизмат) нинг 30 фоизи микдорида пул маблагини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган холда кўшимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг товарни 30 (уттиз) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертфикати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вактида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган махсулотни кайтариб олиб кўйиш хукукига эга;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тўгрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк бахосини кайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тўлик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб ўз вактида махсулотни кабул килиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўгрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хакида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.
- Тўлиқ расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-вараклар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл кўйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот кийматининг 0,5 % микдорида «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган махсулот кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган такдирда, айбдор тараф ушбу махсулот кийматининг 20 % микдорида жарима тўлашига сабаб булади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган такдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,5 % микдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Scan with

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини кафолатлайди.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

## IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «16» май кунидан то 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

______________________________________________

______________________________________________

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

« СОТУВЧИ »

**MASTER NEW RESOLUTE PURE МЧЖ**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Қўштепа туман Шодлик М.Ф.Й Бахмал кўчаси №2 уй
Тел./факс: 73 425 10 04
Ҳисоб варақ: 20208000005041915001
Банк номи: Агробанк Кўштепа филиали
МФО: 00515 СТИР: 306261810
ОКОНХ: 46900

Раҳбар ____________ (имзо) М.Ахмаджонов (Ф.И.Ш)

« СОТИБ ОЛУВЧИ »

**ҚЎШТЕПА ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ**

( бюджетдан маблағ олувчининг номи )

Манзил: Қўштепа тумани Шодлик мфй Нуробод кўчаси 47 уй.

Тел./факс: 73 425 22 70
ш/х*: 401722302067065200110002
СТИР: 200177201
Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна [illegible] 23402000300100001010
[illegible] банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б.
[illegible] СТИР: 201122919

Раҳбар ____________ (имзо) М.Рўзибоев (Ф.И.Ш)

Scan with

Қўштепа туман ободонлаштириш бошқармаси ва MASTER NEW RESOLUTE PURE МЧЖ ўртасида тузилган 16.05.2022 йил кунги №ЕТ/003 сонли шартномага 1-илова

| Т/Р | Керакли қурилиш материаллари рўйхати. | | Миқдори | Нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тронсформатор КТПС 160/6/0,4 | комплект | 9 | 53 900 000 | 485 100 000 |
| 2 | Столба 11 м | дона | 259 | 1 470 000 | 380 730 000 |
| 3 | Сим (35 ас) | метр | 4 307 | 13 000 | 55 991 000 |
| 4 | Траверс ОГ-2 | дона | 20 | 208 000 | 4 160 000 |
| 5 | Траверс ОГ-1 | дона | 33 | 198 000 | 6 534 000 |
| 6 | Траверс м-1 | дона | 40 | 169 000 | 6 760 000 |
| 7 | Траверс м-2 | дона | 49 | 169 000 | 8 281 000 |
| 8 | Траверс м-3 | дона | 15 | 99 000 | 1 485 000 |
| 9 | Изолятор ШФ-10 | дона | 253 | 22 800 | 5 768 400 |
| 10 | Прут д-12 | кг | 40 | 47 000 | 1 880 000 |
| 11 | Травес М-5 | дона | 8 | 428 000 | 3 424 000 |
| 12 | Травес М-6 | дона | 8 | 432 000 | 3 456 000 |
| 13 | Сталбрут д-10 | кг | 49 | 47 500 | 2 327 500 |
| 14 | Уголник 50 мм | метр | 94 | 32 000 | 3 008 000 |
| 15 | Электрод | кг | 10 | 38 000 | 380 000 |
| 16 | Травес 04 | дона | 298 | 172 000 | 51 256 000 |
| 17 | Лед лампа 100 ват | дона | 50 | 347 000 | 17 350 000 |

Scan with

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 18 | Кронштейн | дона | 50 | 49 000 | 2 450 000 |
| 19 | Траверс | дона | 50 | 62 000 | 3 100 000 |
| 20 | Изолятор | дона | 200 | 6 800 | 1 360 000 |
| 21 | Кабел 1x10 | метр | 3 915 | 2 950 | 11 549 250 |
| 22 | Кабел 2x4 | метр | 300 | 2 900 | 870 000 |
| 23 | Шит (эл.хис пускател фотореле ) | комплект | 3 | 985 000 | 2 955 000 |
| **Жами** | | | | | **1 060 175 150** |

**ҚЎШТЕПА ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ**

Бошлиқ _______________ М.Рўзибоев

**MASTER NEW RESOLUTE PURE МЧЖ**

Раҳбар _______________ М.Ахмаджонов

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган. Хужжат коди: OQ0426321547

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA № OQ0426321547

1. **Loyihaning turi:** Xo`jalik shartnomasi.
2. **Loyihaning nomi**: 1060175150-so`mlik Tovar moddiy boyliklar xom ashyo va materiallar sotib olish xaqida shartnoma.
1. **Loyihani ishlab chiquvchi:** Qo'shtepa tumani obodonlashtirish boshqarmasi.
2. **Loyiha kiritilgan sana:** 16.05.2022.

## HUQUQIY EKSPERTIZA XULOSASI:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasini 29.08.1998-yil kungi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'ridagi" qonuni, O'zbekiston Respublikasini 22.04.2021-yil kungi „Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonunlari va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yil kungi O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonunining amalga oshirish chora tadbirlari to`g`risidagi №3953-sonli qarori bilan tartibga solinadi.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasini 29.08.1998-yil kungi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'ridagi" qonuni, O'zbekiston Respublikasini 22.04.2021-yil kungi „Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonunlari va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yil kungi O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonunining amalga oshirish chora tadbirlari to`g`risidagi №3953-sonli qarori xamda amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, undan foydalanish mumkin.

**Loyihani huquqiy ekspertizadan o`tkazuvchi:**

Qo'shtepa tumani yuridik xizmat ko'rsatish

markazi bosh yuriskonsulti **E. A. Abduvoyitov**

**16.05.2022.**

Scan with